

№1/14 СОНЛИ ШАРТНОМАСИ

«20_» Декабр 2022_ йил

Навой ш

«**Ferdavs building new**» МЧЖ, устави асосида ҳаракат қилувчи Д.Очилов тимсолида, кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб аталувчи, бир томондан ва Навоий Бино 254 ШБ устави асосида ҳаракат қилувчи директори В.И. Солиев тимсолида, кейинги ўринларда «**Бош пудратчи**» деб аталувчи, ушбу пудрат шартномасини _____ объектининг қурилиш-монтаж ишларини бажариш тўғрисида туздилар:

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «**Буюртмачи**» томонидан «**Бош пудратчи**»га берилган қурилиш майдони ё/ёки қурилиш майдонининг бир қисми. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – «**Бош пудратчи**» томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича ёрдамчи пудратчига объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. «**Бош пудратчи**» мазкур шартномада назарда тутилган шартлар асосида лойиҳада кўрсатилган тартибда ажратиб берилган қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади:

Лойиҳа бўйича 100 КВТ **Бино электр таъминотини алтернатив (қуёш фотоэлектрик станцияси)** объекти лойиҳасида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, «**Буюртмачи**» эса «**Бош пудратчи**»га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича «**Буюртмачи**» билан «**Бош пудратчи**» ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 050 000 000 (Бир миллиард эллик миллион) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми **“Буюртмачи”** томонидан белгиланган тартибда ўзгартирилганда;

| Т/Р | Номланиши | Улчов бирлиги | Ҳажми | Нархи | Умумий сумма |
|--------------|---|---------------|-------|--------------|------------------------|
| 1 | Солнечная фотоэлектрическая станция должна быть полностью укомплектовано, должен иметь панели монокристаллические (450-550Вт), специальные карказы по установке, отдельный монтаж ЛЭП 0,4кВ для питания от ФЭС. Также дополнительный монтаж системы шин, приборов защиты (автоматический выключатель, рубильник, АВР по 200А), приборы измерительные (мультиметры, датчики аварийной сигнализации). Проектирование всех ЛЭП (основной, аварийный и от ФЭС) в один распределительный щит (1800*600*400мм). Установка отдельных гибридных инверторов (чистый синус) для каждого здания по потребительской мощности. | Квт | 100 | 10 500 000,0 | 1 050 000 000,0 |
| ЖАМИ: | | | | | 1 050 000 000,0 |

Сумма сўз билан: Бир миллиард эллик миллион сўм

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ давом эттирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **“Буюртмачи”** билан **“Бош пудратчи”** ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича **“Бош пудратчи”** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш,

тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

Лойиха қарорлари ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-мантаж, махсус ишларни вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда (зарур ҳолларда) вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. **“Бош пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун **“Буюртмачи”**:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича **“Бош пудратчи”**га бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган **“Бош пудратчи”** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **“Бош пудратчи”**дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Қурилиш монтаж ишларига зарур булган материал ва ускуналар **“Буюртмачи”** томонидан етказиб берилади. (Давалчиские)

10. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун давомида **“Бош пудратчи”**га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

11. Шартномани кучга кириш муддати: томонлар тарафидан имзоланиши пайти;

“Бош пудратчи” мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб, КМИ ишларни бажаришга киришади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. “Буюртмачи” томонидан “Бош пудратчи”га шартнома имзолангандан сўнг иш бошлашдан олдин шартномани умумий қийматидан **30%** миқдорида аванс тўланади.
14. “Буюртмачи” томонидан иш жараёнида “Бош пудратчи”ни жорий молиялаштириш учун ҳар бир қисм қилинган ишлар тақдим этилганидан сўнг ушбу қилинган ишлар қисми учун пул маблағлари “Бош пудратчи” ҳисоб рақамига кўчирилиб берилади.
15. Жорий молиялаштириш амалда бажарилган ишларга мувофиқ (бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин), объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг **70** фоизи миқдорида амалга оширилади.
16. “Бош пудратчи” объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
17. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, “Бош пудратчи” бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Бош пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. “Буюртмачи” қурилиш майдонида уз вакиллари – иш юритувчиси ва ишлаб чиқариш булимидан бошлигини тайинлайди, улар “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Бош пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
19. “Буюртмачи” вакиллари иш юритувчи ва ишлаб чиқариш булими бошлиги ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
20. “Бош пудратчи”, “Буюртмачи” ва **Фойдаланувчи вакиллари** томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
21. “Бош пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш “Бош пудратчи”нинг вазифаси ҳисобланади.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Бош пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

XII. КАФОЛАТЛАР

26. Бош пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда

бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

27. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

28. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар **“Бош пудратчи”** томонидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари **“Бош пудратчи”** ва **“Буюртмачи”**нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

29. **“Буюртмачи”** ушбу шартномани бекор қилишни қўйидаги ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

“Бош пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. **“Бош пудратчи”** шартномани бекор қилишни қўйидаги ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

ишларнинг бажарилиши **“Бош пудратчи”**га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **“Буюртмачи”** томонидан 15 кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Шартнома бекор қилинганда **“Буюртмачи”** ва **“Бош пудратчи”**нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 10 кун муддатда **“Буюртмачи”**га берилади, **“Буюртмачи”** бажарилган ишлар қийматини **“Бош пудратчи”**га тўлайди.

32. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунга мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

33. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

34. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

35. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

36. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун **“Буюртмачи”** **“Бош пудратчи”**га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50

фониздан ошмаслиги лозим.

37. Пеня тўланиши “Буюртмачи” шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

38. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

39 Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

40 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши буйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

41 Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар бэрилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинисига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

42 Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар талабнома юбориш билан ёки музокаралар олиб бориш орқали ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

44. Шартнома Ғазнғачилиқдан руйхатдан утгандан сўнг кучга қиради ва амал қилиш муддати 2022 йил “31” декабрь деб белгиланади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«ЗАКАЗЧИК»

NAVOIY VILOYATI IIB

NAVoiy sh. NAVoiy kochasi 7 uy.

Тел. RES № 2340400600 ИНН 193576324

х/р ТЕК 40101086012401703110178002
МФО ОКОНХ

NAVOIY MB HKKM MFO: 00020

INN 200006373 OKONX: 97600

Ташкилот номи:

Ф.И.Ш.

М.Ў.

Имзо

» 20 й.

«БОШ ПУДРАТЧИ»

«ГЕНПОДРЯДЧИК»

“Ferdavs building new” МЧЖ

Хатирчи тумани, Зебинисо кўчаси №5 уй

Тел. +99891 335 00 61 ИНН 305902036

х/р: 20 20 8000 8009 7032 0001 ФО: 01037

ОКОНХ

Ташкилот номи: “Ferdavs building new” МЧЖ

Ф.И.Ш.

Д.Очилов

М.Ў.

Имзо

» 20 й.

NAVOIY VILOYATI ICHKI ISHLAR

BESHQURATASI

TASHKILY QOYILGAN

YURIDIK TA'MINLASH IMI

NUOQLI QOYILGAN OTKAZILDI

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 207687 на приобретение Бино электр таъминотини алтернатив (қуёш фотоэлектрик станцияси) энергия манбасига ўтказиш

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 16:45

Конкурсная комиссия Управление внутренних дел Навоийской области, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|----------------------------------|---|-----------------------|
| Председатель комиссии | SAYIDOV VAXOB NEMATILLOYEVICH | Бошкарма МваМТТБ бошлиги | Навоий вилояти ИИБ |
| Секретарь комиссии | TUKSANOV DAMIR XALNAZAROVICH | Бошкарма МТХ бошлиги уринбосари | Навоий вилояти ИИБ |
| Член комиссии | HAMROYEV SHAVKAT ERGASHOVICH | Бошкарма МТХ бошлиги | Навоий вилояти ИИБ |
| Член комиссии | JURAYEV LAZIZ MARDONOVICH | Бошкарма МТ ва ХХ автохужалиги бошлиги | Навоий вилояти ИИБ |
| Член комиссии | SHARIPOV BOBIRJON TUYBOYEVICH | Бошкарма МваМТТБ уринбосари | Навоий вилояти ИИБ |
| Член комиссии | JUMANOV ANVAR GULOMOVICH | Бошкарма АТА ва АХБ бошлиги | Навоий вилояти ИИБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 207687.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуги по пусконаладочным работам и монтажу солнечных электростанций и их модулей |
|--------------------------------------|---|
| Подробное описание | Солнечная фотоэлектрическая станция должна быть полностью укомплектовано, должен иметь панели монокристаллические (450-550Вт), специальные каркасы по установке, отдельный монтаж ЛЭП 0,4кВ для питания от ФЭС. Также дополнительный монтаж системы шин, приборов защиты (автоматический выключатель, рубильник, АВР по 200А), приборы измерительные (мультиметры, датчики аварийной сигнализации). Проектирование всех ЛЭП (основной, аварийный и от ФЭС) в один распределительный щит (1800*600*400мм). Установка отдельных гибридных инверторов (чистый синус) для каждого здания по потребительской мощности. |
| Количество товара | 100.00 |
| Единица измерения | усл.ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 11 200 000.00 |
| Стартовая сумма | 1120 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Техник topshiriqdagi elektr tovar va maxsulotlarning rasmiy dilleri ekanligi haqida sertifikat

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| SUNRISE INFO TECHNOLOGIES MCHJ | 20 | Техник topshiriqdagi elektr tovar va maxsulotlarning rasmiy dilleri ekanligi haqida sertifikat | 10 | Экспертная | | |
| DAVR OLTIN MCHJ | 20 | хужжат бириктирилди | 15 | Экспертная | | |
| ООО INCRON | 20 | хужжат бириктирилди | 18 | Экспертная | | |
| ЧП ARCHI HOLDING | 20 | 1080000000 | 20 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| ООО TECHMALL GROUP | 20 | 1100000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Техник topshiriqdagi elektr tovar va maxsulotlarni skladda mavjudligi to'g'risida rasm va ma'lumotnoma

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| SUNRISE INFO TECHNOLOGIES MCHJ | 20 | Техник topshiriqdagi elektr tovar va maxsulotlarni skladda mavjudligi to'g'risida rasm va ma'lumotnoma | 17 | Экспертная | | |
| DAVR OLTIN MCHJ | 20 | хужжат бириктирилди | 15 | Экспертная | | |
| ООО INCRON | 20 | хужжат бириктирилди | 20 | Экспертная | | |
| ЧП ARCHI HOLDING | 20 | 1080000000 | 20 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| ООО TECHMALL GROUP | 20 | 1100000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Техник topshiriqda ko'rsatilgan ishlarni 20 kun davomida to'liq bajarilishi to'g'risida kafolat xati

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|---------------------|----------------|------------|------------|---------|
| SUNRISE INFO TECHNOLOGIES MCHJ | 20 | Кафолат хати | 15 | Экспертная | | |
| DAVR OLTIN MCHJ | 20 | хужжат бириктирилди | 20 | Экспертная | | |
| ООО INCRON | 20 | хужжат бириктирилди | 20 | Экспертная | | |
| ЧП ARCHI HOLDING | 20 | 1080000000 | 10 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| ООО TECHMALL GROUP | 20 | 1100000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Oldin shunga o'xshash ishlarni bajarganligi to'grisida ma'lumotnoma va shartnomadan nusxa

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|---------------------|----------------|------------|------------|---------|
| SUNRISE INFO TECHNOLOGIES MCHJ | 20 | Иш тажрибаси | 18 | Экспертная | | |
| DAVR OLTIN MCHJ | 20 | хужжат бириктирилди | 15 | Экспертная | | |
| ООО INCRON | 20 | хужжат бириктирилди | 18 | Экспертная | | |
| ЧП ARCHI HOLDING | 20 | 1080000000 | 20 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| ООО TECHMALL GROUP | 20 | 1100000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Yetkazilayotgan tovar va bajarilayotgan ishlarga 10 yil bepul servis xitmati va 25yil kafolat berishi kerak

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------|-----------|---------------------|----------------|------------|------------|---------|
| SUNRISE INFO TECHNOLOGIES MCHJ | 20 | Кафолат хати | 15 | Экспертная | | |
| DAVR OLTIN MCHJ | 20 | хужжат бириктирилди | 18 | Экспертная | | |
| ООО INCRON | 20 | хужжат бириктирилди | 18 | Экспертная | | |
| ЧП ARCHI HOLDING | 20 | 1080000000 | 10 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| ООО TECHMALL GROUP | 20 | 1100000000 | 15 | Экспертная | | |

Финансовое значение

Наименование товара: Услуги по пусконаладочным работам и монтажу солнечных электростанций и их модулей

| Наименование участника | Ценовые предложения | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|------------------------|-----------------------|----------------------|----------------------------------|--|-------------------------|
| | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение (UZS) |
| ЧП ARCHI HOLDING | 1 120 000 000.00 | 1 080 000 000.00 UZS | 1 080 000 000.00 | 00.00 | 10 800 000.00 |
| Firdavs building new | 1 120 000 000.00 | 1 050 000 000.00 UZS | 1 050 000 000.00 | 00.00 | 10 500 000.00 |
| ООО TECHMALL | 1 120 000 | 1 100 000 000.00 | 1 100 000 000.00 | 00.00 | 11 000 000.00 |

| | | | |
|------------------------------|-------------------------------|----------|--|
| Председатель комиссии | SAYIDOV VAXOB NEMATILLOYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | HAMROYEV SHAVKAT ERGASHOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | JURAYEV LAZIZ MARDONOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | SHARIPOV BOBIRJON TUYBOYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | JUMANOV ANVAR GULOMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП